

Ғайратова Эъзола

Гулистон давлат университет талабаси

“Дунёда жинс у ёки бу тарзда лисоний ифода этилмаган биронта тил мавжуд эмас... Тилда маълум бир номинал классификациянинг мавжудлиги ёки унинг мавжуд эмаслиги ушбу тилнинг тирик мавжудодлар жинсини ифодалаш имкониятига асло таъсир кўрсатмайди ва турк, мўғил ва бршқа қатор тиллар каби ҳеч қандай номинал классификацияга эга бўлмаган тиллар жинсни фарқлашда икки ёки уч жинсли тиллардан сира қолишмайди”(1). Бундан хулоса чиқадики, биологик жинс дунёнинг барча тилларида ифода этилади. Фақат уларнинг ифодаланиш усулларида ҳамда ушбу усулларнинг у ёки бу тилда қай даражада акс этишида фарқланишлар мавжуд, холос.

Ўзбек тилида жинснинг ифодаланиши масаласига оид ишларда жинсни ифодалашнинг грамматик, синтактик ва лексик (гетеронимия) усуллари қайд этилади. Жинсни ифодалашда иккита усулнинг қоришган шаклини ҳам кўришимиз мумкин. Бундай аралаш усулларга лексик-синтактик ва лексик-грамматик усулларни киритиш мумкин.

Лексик-синтактик усулда жинсни ифодалашга валентликни мисол қилиш мумкин.

“**Валентлик**” термини XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб тилшуносликка кириб келган. Тилшуносликда валентлик дейилганда, лексеманинг бирикма ёки гап таркибида бошқа лексемалар билан алоқага кириша олиш хусусиятлари тушунилади.

Валентлик лексема лексик маъносининг компонентларини намоён этиб, бирикувчи сўзни талаб қилиш имконияти ҳисобланади. Лексик бирикувчанлик лексеманинг бошқа лексема билан бирикувчанлик имконияти бўлиб, унинг мажмуи лексик валентликдир. Лексик маънонинг ҳар бир компоненти бир валентликни юзага келтиради. Ҳар бир компонент

унда ифода топган лексик маъно ҳам тушунча қамровидаги бир белгига тўғри келади. Яъни тушунча неча белгини ўз ичига олса, уни ифода этган лексик маъно ҳам шунча компонентдан таркиб топади. Шу ўринда В.А.Звегинцевнинг: “...сўзнинг лексик маъноси фақат бир тушунча билан боғлиқ бўлиши мумкин” – деган фикрини эътиборда тутсак, сўз валентлиги унинг лексик маносига ҳам, унда ифодаланган тушунчага ҳам бир хилда боғлиқдир, деган хулосага келинади. В.А.Звегинцев ўз фикри билан ҳар қанча ҳақ бўлмасин, лексик маъно грамматик категорияларни ўзида қамрашига кўра тушунчадан кенг эканлиги азалдан маълум. Шунга кўра, у ўзида шакл семантикаси валентлигини ва актантларнинг қандай шакл олишини белгилаш ҳуқуқини ўзида сақлайди. Бу жиҳатдан лексик маъно тушунча билан тенг кела олмайди. Масалан, *боққа бордим* бирикмасида феъл ўрин валентлигига эга бўлганлиги учун жўналиш келишигидаги ўрин билдирувчи актантни қабул қилган. Бирикма ва актант грамматик шаклланган.

Демак, ўзбек тилида ҳам жинсни ифодалашда **валентлик** муҳим аҳамият касб этади. Шундай лексемалар борки, фақат эркакларга нисбатан ишлатилади. Масалан, “**уйланмоқ**” лексемасини олиб қарайлик. Мазкур лексеманинг лексик маъноси таркибида “эркак” семаси мавжуд. Шунинг учун “уйланмоқ” феъли фақат эркак семасини ифодалайдиган лексемаларгагина бирика олади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”(1981)да “уйланмоқ” феълига шундай изоҳ берилган: Бирор қиз ёки аёлни ўз никоҳига олмоқ, оила қурмоқ(эр киши мисолида). Йигит бирдан **уйланиш** тараддудига тушди-ю, бир ҳафтанинг ичида тўй ҳам бўла қолди(А.Қаҳҳор. Хотинлар).

Мазкур сўзнинг фақат эркакларга нисбатан қўлланилишини, назаримизда, тилда шаклланган анъана билан боғлаш ўринли. Зеро, бошқа туркий тилларда худди шу сўз иккала жинс вакиллари учун ҳам қўлланади. Масалан, турк тилида *əwləndi* (уйланди) сўзи ҳам эркак, ҳам аёлга нисбатан ишлатилади. Бизда эса шаклланган анъанага кўра *уйланмоқ* феъли фақат эркак семасини ифодалайдиган сўзларгагина бирика олади.

Шунингдек, ўзбек тилида “турмушга чиқмоқ” бирикмаси эса фақат аёлларга нисбатан ишлатилади. Ўзбек тилида аёлларга нисбатан “уйланиш” лексемаси ишлатилмайди. Яъни, аёл жинсини ифодалайдиган лексемаларнинг лексик-семантик валентлигида “уйланиш” феъли билан боғланиш имконияти йўқ. У фақат “турмушга чиқди, эрга тегди каби лексемалар билан бирикиши мумкин.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”(1981)да “турмуш курмоқ” бирикмасига шундай изоҳ берилган: Никоҳ асосида юзага келадиган ҳаёт, эр-хотинлик. Қизиғи шундаки, “турмуш курмоқ” бирикмасини эркакка нисбатан ҳам, аёлга нисбатан ҳам қўллаш мумкин: Улар эллик йил бирга турмуш қурдилар(А.Қаҳҳор.Хотинлар). Лекин “турмушга чиқмоқ” бирикмасини фақат аёлларга нисбатан қўллаш мумкин. Чунки бу бирикманинг лексик маъносида “аёл” семаси мужассам. Айрим мисолларга мурожаат этамиз: Маннон Уйғур ва бошқалар, турмушга чиққанингдан кейин уйда ўтириб қоласан, деб кўрқитганларида шунинг учун ҳам кулиб юборган эдим(Ҳ.Носирова. Мен ўзбек қизиман).

Шунингдек, эркак кишининг ёлғизлигини, уйланмаганлиги ҳолатини ифодалаш учун ўзбек тилида *бўйдоқ*, аёл кишининг турмушга чиқмаганлиги ҳолатини ифодалаш учун эса *боши очик, турмушга чиқмаган* каби ибораларни қўллаш ўринлидир. *Бўйдоқ* сўзининг фақат эркак кишига нисбатан қўлланилиши хусусида тилшунос И.Исмоиловнинг қуйидаги мулоҳазасини келтириш ўринлидир: “Туркий тилларда эркак шахснинг хусусиятини, ҳолатини билдириб кўрсатиб, таъкидловчи *йигит, чол* сингари сўзлари мавжуд(4). Шу сўзлар қаторида *бўйдоқ* сўзи ҳам бор. Бунинг лексик маъноси кўпчилик туркий тилларда уйланмаган ёки хотинидан ажралган эркак шахсга нисбатан қўлланувчи сўз”. Изоҳли луғатда (ЎТИЛ, 1981) мазкур сўзга қуйидаги таъриф берилган: “уйланмаган, хотин олмаган, сўққабош”. Ўзбек тилида *бўйдоқ* сўзи тилда шаклланган анъанага кўра фақат эркак кишига нисбатан қўлланади: *Ука, келинни настга олиб тушинг, кўнгли беҳузур бўлаётганга ўхшайди. Бўйдоқ бўлганим учун бу гап қулогимга ҳам*

галати, ҳам аллақандай хуш ёқадиган бўлиб эшитилди. (С.Аҳмад).

Аммо бошқа туркий тилларда, хусусан қирғиз ҳамда бошқирд тилларида *бўйдоқ* сўзи ёлғиз аёлга нисбатан ҳам иштилади, қирғиз тилининг изоҳли луғатида бу сўзга қуйидагича таъриф берилган: “Бойдоқ. Зат. Жалғыз баш, аялы **жок**, куееси жок. Бойдоқ жигит; бойдоқ аял”. Бошқа туркий тилда мазкур сўзнинг иккала жинс вакилига нисбатан қўлланилишини *бўйдоқ* сўзининг этимологик маъноси билан изоҳласа бўлади: *бўйдоқ* сўзи иккита, яъни *бўй* ва *тоқ* (якка) сўзларидан иборат бўлиб, ёлғиз одам деган маънони билдиради. Ўзбек тилида эса мана шу этимологик маънодан узоқлашиб, маъно торайиш ҳодисаси рўй берган. Қирғиз ва бошқирд тилларида эса бу сўзнинг дастлабки маънолари сақланиб қолган.

Айрим сўзларнинг фақат аёлларга нисбатан қўлланила олишини Н.К.Дмитриев ҳам пайқаган. Жинсни ифодалашнинг лексик-семантик усули доирасида у қуйидаги сўзларни келтиради: *бирчэк азартмаг*-сочи оқариб кетиши (аёлга нисбатан), *устунә кетмак*- иккинчи хотин сифатида турмушга чиқмоқ. Аммо муаллиф валентлик терминини ишлатмай, бу сўзларни маиший лексика доирасида келтиради.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тилида валентлик жинс маъносини ифодалашда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Жумаева Ф. Антропонимларда жинс тушунчасининг ифодаланиши. –Т., ЎТА, 2012, 3-сон.
2. Звегинцев В.А. Проблема знаковости языка. М., 1956. С.26.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томли. –М., 1981.
4. Исмоилов И. Туркий тилларда қавм-қариндошлик терминлари. –Т., 1966. Б.67.